

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР
АКАДЕМИЯСИ МИНТАҚАВИЙ БЎЛИМИ
ХОРАЗМ МАЪМУН АКАДЕМИЯСИ**

**ХОРАЗМ МАЪМУН
АКАДЕМИЯСИ
АХБОРОТНОМАСИ**

Ахборотнома ОАК Раёсатининг 2016-йил 29-декабрдаги 223/4-сон қарори билан биология, қишлоқ хўжалиги, тарих, иқтисодиёт, филология ва архитектура фанлари бўйича докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган

2021-3

**Вестник Хорезмской академии Маъмуна
Издается с 2006 года**

Хива-2021

<http://buxdu.uz>

Бош муҳаррир:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Бош муҳаррир ўринбосари:

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Таҳрир ҳайати:

Абдуллаев Икрам Искандарович, б.ф.д., проф.

Абдуллаев Баҳром Исмоилович, ф-м.ф.д.

Абдуллаев Рашидан Бабажонови, тиб.ф.д., проф.

Абдуҳалимов Баҳром Абдурахимович, т.ф.д., проф.

Аимбетов Нагмет Каллиевич, и.ф.д., акад.

Бабаджанов Хушнот, ф.ф.н., проф.

Давлетов Санжар Ражабович, тар.ф.д.

Дурдиева Гавҳар Салаевна, арх.ф.д.

Дўсчанов Бахтиёр, тиб.ф.д., проф.

Ибрагимов Бахтиёр Тўлаганович, к.ф.д., акад.

Жуманиёзов Зоҳид Отабоевич, ф.ф.н., доц.

Кадиров Шавкат Юлдашевич, қ/х.ф.н.

Қутлиев Учқун Отобоевич, ф-м.ф.д.

Ламерс Жон, қ/х.ф.д., проф.

Майкл С. Энжел, б.ф.д., проф.

Мирзаев Сирожиддин Зайниевич, ф-м.ф.д., проф.

Рахимов Раҳим Атажанович, т.ф.д., проф.

Рўзибоев Рашид Юсупович, тиб.ф.д., проф.

Рўзимбоев Сапарбой, ф.ф.д., проф.

Рўзметов Бахтияр, и.ф.д., проф.

Садуллаев Азимбой, ф-м.ф.д., акад.

Салаев Санъатбек Комилович, и.ф.д., проф.

Сирожов Ойбек Очилович, с.ф.д., проф.

Сотипов Гойипназар, қ/х.ф.д., проф.

Тожибаев Комилжон Шаробитдинович, б.ф.д., академик

Холматов Бахтиёр Рустамович, б.ф.д.

Чўпонов Отаназар Отожонови, ф.ф.д., доц.

Шакарбоев Эркин Бердикулович, б.ф.д., проф.

Эрматова Жамила Исмаиловна, ф.ф.н., доц.

Эшчанов Рузумбой Абдуллаевич, б.ф.д., доц.

Ўразбоев Ғайрат Ўразалиевич, ф-м.ф.д.

Ўрозбоев Абдулла Дурдиевич, ф.ф.д.

Ҳажиева Мақсуда Султоновна, фал.ф.д.

Ҳасанов Шодлик Бекпўлатович, к.ф.н., к.и.х.

Хоразм Маъмун академияси ахборотномаси: илмий журнал.-№3 (73), Хоразм Маъмун академияси, 2021 й. – 344 б. – Босма нашрнинг электрон варианты - <http://mamun.uz/uz/page/56>

ISSN 2091-573 X

Муассис: Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси минтақавий бўлими – Хоразм Маъмун академияси

© Хоразм Маъмун академияси ноширлик бўлими, 2021

МУНДАРИЖА АРХИТЕКТУРА

Esanov T. Building energy-efficient houses in urban planning	6
Абдурахмонов Б.Т. Замонавий сайёхлар дам олиш маскани функционал тузилиши	7
Мусаева З.М. Мактабгача таълим муассасалари худудларини ландшафт шаклланишига таъсир кўрсатувчи омиллар ва худуднинг меъморий режавий ечими бўйича тавсиялар	10
Рахманов А. Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини тоғли ва тоғолди худудларда шаклланиш тамойиллари	13
Сетмаматов М.Б. Хоразм антиқ давр меъморчилиги тарихига оид баъзи мулохазалар	16

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ

Djumaniyazova Yu.A., Latipova R.Sh. Sorghum with profit to human health	20
Jumaniyazova Sh.I., Mambetullaeva S.M. Xiva tumanidagi gauk ko'li maydonining yillar davomida o'zgarib borishini monitoring qilish	24
Аннамуратова Д.Р., Игамова О.К., Тажиева О.А. Хоразм вилояти тупроқ-иклим шароитида турли соя навларининг фотосинтез маҳсулдорлиги	27
Бекчанов Х.У., Бабаджанова С.Х., Артиқов Я.М., Комилжонов Г.К. Хоразм воҳаси сув хавзаларидаги карпсимон (Cyprinidae) балиқларида учрайдиган касалликларининг қисқача рўйхати	30
Бекчанов Х.У., Рузматова Ф.Ш., Комилжонов Г.К. Биологические данные Аральского усача (<i>Barbus Brachycephalus Brachycephalus</i>) в условиях Амударьи	33
Джуманиязова Ю.А., Латипова Р.Ш., Нариманова Г. Cropsyst моделида кузги буғдой экинни ўсиш ва ривожланишини симуляциялаш	36
Досчанова М.Б., Рўзметов Р.С., Абдуллаев И.И. Термитларларга қарши курашда уларнинг хулқ атворларини ўрганишнинг аҳамияти	40
Жаббаров З.А., Абдрахмонова М.Т., Номозов Ў.М. Нефть билан ифлосланган тупроқлар рекультивациясининг иқтисодий сарф харажатлари	43
Махкамов Т.Х., Матвафаева М. TASH фондидаги Brassicaceae оиласи намуналарининг инвентаризацияси натижалари	49
Расулов М.Б., Маткаримов Ф.И., Расулова О.О., Досчанов Ж.С., Расулов М.Б. Микробиологик препаратларнинг нўхат (<i>Cicer arietinum L.</i>) ўсимлиги маҳсулдорлигига таъсири	55
Сапаева Ф.Р. Антибиотикларга сезгирликни аниқлашда интернет технологияларидан фойдаланиш	58
Сатилов Г.М., Жуманиязова Н.Б. Batternut қовоқ навининг ўсиши ва ҳосилдорлик кўрсаткичлари	64
Ҳайдаров С.С., Ражамурадова Н.З., Ражамурадов З.Т. Генотипга мос ҳолда эчкиларнинг сут маҳсулдорлигини ва унинг айрим физик – кимёвий хусусиятларини ўзгариши	67
Шарипов П.Р., Хасанов Х.Т. Гидролитик ферментлар асосида амарант уруғини комплекс қайта ишлаш	72
Шаронова М.А., Назаров С.Э. <i>Caesalpinia gilliesii</i> Wall. нинг интродукция шароитида гуллаш биологиясига доир маълумотлар	77
Шаропова М.А., Рахмонов Р.Р., Худойқулова Н.И. <i>Lagerstroemia indica L.</i> Қашқадарё воҳасининг интродукция шароитида юкори самарали доривор ўсимлик	81
Эгамбердиев Р., Нурметова М. Полевая всхожесть семян катран сердцелистного и катран прутьевидного при посеве лугово-болотных почв Хорезмской области	87

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ФАНЛАРИ

Satipov G' M., Yusupov N.R., Yusupboyev E.K. Xorazm vohasi o'tloqli-allyuvial tuprog'ida yangi va istiqbolli g'o'za navlarining hosildorligiga o'g'it va suv berishning ta'siri	91
Алланов Х.К., Сотторов О.А., Шамсиев А., Авлиякулов М.А., Абдуллаев Ж.У. Ингичка толали ғўза навларининг суғориш ва озиклантириш меъёрларини ҳосилдорликка таъсири	93
Артиқова Х.Т., Бафаева З.Х., Сувонов Ф.К., Авезов Т.Т., Жумаев Ж.Ж. Қорақўл воҳаси тупроқларининг агрокимёвий хоссаларини суғориш таъсирида ўзгариши	97
Ахмедова З.Р., Арипов Б.Ф. “Микрозим-2” биопрепаратини бухоро вилояти шароитида пахта етиштиришда қўллаш	99
Исматуллаев З.Ю., Самандаров Э.И. Чигитни экиш муддатларини пахта ҳосилдорлигига таъсири	103
Нурманова М.Б. Ерларнинг сифат ва микдор кўрсаткичларини баҳолашда картографик ахборотларни таҳлил қилиш йўллари	107

Ражабов З.П., Жуманиязов Ф.К. Ғўзанинг янги истиқболли Хурма нави	111
Сафаров А.А., Сафаров С., Султонов Д., Бахриддинов А. Пахта хом-ашёсини сақлаш жараёнида ҳарорат ўзгаришини сифат таъсирини ўрганиш	113
Сулаймонов И.Ж., Жўраев А.А. Минерал ўғитлар меъёрларини қанд лавлагининг илдимевасида шакар тўпланишига боғлиқлиги	115
ТЕХНИКА ФАНЛАРИ	
Djuraev M.K. Axborotni kiritish va uzatish usullari yordamida matnlardagi xatolarni kodlash	120
Ходжиев Х.Ш., Камалова М.Б. Саноат оқава сувларини кўмир адсорбентлари ёрдамида тозалаш	125
Шодиев А.З., Асланов Б.М., Ходжиев Х.Ш., Камалова М.Б. Исследование качества кирпича на основе нетрадиционных добавок	127
ТАРИХ ФАНЛАРИ	
Allanazarov S. Qadimgi xorazm madaniyati tarixiga oid manbalarning qiyosiy tahlili	133
Qayumova F.I. Xiva xonligi tarixini o'rganishda manbalarning o'rni	135
Бекиметов У. Советларнинг коллективлаштириш ва кулоклаштириш сиёсатиға қарши Хоразмдаги халқ ғалаёнлари	137
Машарипов Қ. Хоразмшоҳ – Ануштегинлар давлатида ҳарбий санъат тараққиёти	139
Машарипов Қ.Ю. Жалолиддин Мангуберди кўшини сони хусусида баъзи мулоҳазалар	143
Машарипов Қ.Ю. Жалолиддин Мангубердининг Кавказорти давлатлари билан сиёсий муносабатлари муаммоси	146
Рашидов О.Р. Бухорода жадидчилик ҳаракати ва унинг Ёш бухороликлар партиясига айланиши	149
Савриев Ж.Ф. Карманадаги Работи-малик сардобаси қурилиш лойиҳаси - қайта таъмирланиши, маиший аҳамияти	153
Тошбоева З. Амир Музаффар бошқаруви Аҳмад Дониш нигоҳида	159
Хакназаров Х.Д. Ҳарбий анъаналар – ҳарбийлар кундалик турмуш-тарзининг муҳим аспекти сифатида	161
ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ	
Ruzmetov Sh., Xudayberganov D., Yusubov I. Banklarning raqamlashtirilgan xizmatlar ko'rsatishni takomillashtirish yo'llari	166
Сапаева Н.Қ. Минтақа иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва унинг омиллари	169
Халикова Л.Н. Форобийнинг иқтисодий масалалар бўйича фикрлари	173
ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ	
Abdunazarova I.M. The role of foreign language in formation the worldwide of students	177
Ahmedov U. O'zbek va ingliz maqollarining badiiyati qiyosi	178
Anvarova S.Sh. "Devonu lug'otit-turk"dagi monarx tushunchasi R.Dankoff tarjimasida	181
Fayzieva D.U. Development of speech culture in russian language classes	183
Husainova Sh.E. "Qutadg'u bilig"ning inglizcha tarjimasida iloh tushunchasining ifodalanishi	185
Khodjieva R.A. The tendency of creating a modern textbook	187
Nigmatova L.X. O'zbek tilining umumiy izohli lug'atlarida til va ma'naviyat yaxlitligi muammosi	189
Pirnazarova M.M. Tarixiy haqiqat va badiiy talqin	194
Rajarova U. "Lahjatu-l-lug'ot" – alisher navoiy asarlari leksikasi tadqiqida muhim manba	197
Sharakhimov Sh.F. Helpful strategies to reinforce vocabulary	199
Sodiqova I.I. Instructional strategies for teaching efl classes with students of different levels	201
Talibjanova A.L. Theoretical basis of youth slang in the publicist discourse of the english language	204
Xamidova T.R. Zamonaviy nemis tilida yangi atamalarni shakllantirish usullari	206
Абдуллаев Х., Ражаббоева Н. Огаҳий ижодининг теран талқинлари	207
Артыкова Г.Ш., Ваисова А. Цветовые прилагательные в художественном тексте	210
Атаханова В.Р. Адабиёт дарсларида Ғ.Ғуломнинг ўхшатиш санъатидаги маҳоратини ўргатиш	213
Гафарова З.З. Тема – рема нутқий тузилмалари ва уларнинг контекст билан ўзаро муносабати	216
Гафурова Д.Х. Формирование грамматического строя речи дошкольников	219
Гудзина В.А. Проблема реализации концепции счастья в поэзии Зульфии	222
Ғаниева О.Х., Садуллаев Ф.Б. Жон Стейнбекнинг "Жавоҳир" ҳамда Одил Ёқубовнинг "Муқаддас" қиссалари қиёсий таҳлили	225
Дарвишов И. Наманган қипчоқ шевалари фонетик-фонологик тизимидаги ундошларнинг тарихийлик белгилари	230

илмий жиҳатдан кенг ва чуқур таҳлил қилиш орқали, ҳолисона ҳулоса чиқариш асосидагина баҳо бериш лозим. Жумладан, грузинлар давлатининг бу даврдаги сиёсий ва ижтимоий – иқтисодий аҳолини, давлат арбоблари ҳаётини ҳам қиёсий таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ иш бўлишлигини эътиборга олишимиз зарурки, бу келгусида Жалолиддин Мангуберди ҳаёти ва фаолияти тарихининг тадқиқотчиларидан янада кўп меҳнатни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Машарипов О. Ватан озодлиги йўлида шаҳид бўлганлар. // Хоразмнома. 7 – жилд. – Урганч: “Қуванчбек – Машхура” МЧЖ нашриёти, 2018. – 604 б.

2. Вачнадзе М., Гурули В., Бахтадзе М. История Грузии (с древнейших времени до наших дней). – Тбилиси: Изд – во: “Артануджи” 2008. – 241 с.

3. Жувайний Алоуддин Атомалик. Тарихи Жаҳонкушо. (Жаҳон фотиҳи тарихи). / Масъул муҳаррирлар: Ҳ. Болтабоев, М. Маҳмудов. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2015. – 504 б.

4. Шихобиддин Муҳаммад ан-Насавий. Султон Жалолиддин Мангуберди ҳаёти тафсилоти. / Камол Матёкубов таржимаси. / – Т.: O'zbekiston, 2006. – 384 б.

5. Ибн ал-Асир. Ал-Камил фи-т-та'рих. Полный свод истории / Перевод с арабского языка, примечания и комментарии П.Г. Булгакова [дополнения к переводу, примечаниям и комментариям, введение и указатели Ш.С. Камалиддина]. – Ташкент; Цюрих: Изд-во АН РУз, 2005. – 595 с.

6. Рашид ад-Дин. Сборник летописей: в 3 т. / Пер.: А.К. Арендс, Ю.П. Верховский, О.И. Смирнова, Л.А. Хетагуров. М., 2002. Кн. 1-2.2-3.

7. Армянские источники о монголах. Извлечение из рукописей XIII – XIV вв./Перевод А.Г.Галстян. – М., 1962. – 155 с.

8. Картлис Цховреба / Ред. С.Г. Каухчишвили. Тбилиси: Издательство АРТАНУДЖИ. 2008. т. 1-2.- 456 с.

9. Тимохин Д.М. Хорезмийское завоевание Южного Кавказа и битва при Гарни 1225 г. // Вестник института истории, археологии и этнографии. 2017. № 3. С. 5-18.

УЎК 93/94

БУХОРОДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИ ВА УНИНГ ЁШ БУХОРОЛИКЛАР ПАРТИЯСИГА АЙЛАНИШИ

О.Р. Рашидов, т.ф.ф.д (PhD), доц., Бухоро давлат университети, Бухоро

Аннотация. Мазкур мақолада Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва унинг Ёш бухороликлар партиясига айланиши масалалари ёритилган. Муаллиф томонидан Бухоро жадидларининг фаолияти, кураш дастури, оқимлари ва уларнинг етакчилари ҳақидаги маълумотлар таҳлил этилган. Шунингдек, Ёш бухороликлар партиясининг советлар ёрдамида Бухоро амирига қарши олиб борган кураши тасвирланган.

Калит сўзлар: жадидчилик, миллий, инқилоб, Октябрь тўнтарылиши, совет, большевик, Ёш бухороликлар, партия, “Колесов воқеаси”, дастур.

Аннотация. В данной статье освещено появление джадидского движение в Бухаре и превращение его в партию Молодо бухарцев. Автором статьи анализируется деятельность бухарских джадидов, программа борьбы, течения и их лидеры. А также, описано барьба партии Молодо бухарцев с помощью советов против Бухарского эмира.

Ключевые слова: джадидизм, национальный, революция, Октябрьский переворот, совет, большевик, Молодо бухарци, партия, “событие Колесова” программа.

Abstract. This article highlights the emergence of the Jadid movement in Bukhara and its transformation into the party of the Young Bukharans. The author of the article analyzes the activities of the Bukhara Jadids, the program of struggle, trends and their leaders. And also, the barrier of the Molodo Bukhari party with the help of the councils against the Bukhara emir is described.

Key words: jadidism, national, revolution, October coup, Soviet, Bolshevik, Molado Bukhartsis, party, “Kolesov's demise” program.

XIX асрнинг охири – XX аср бошида Туркистонда шаклланган маърифатпарварлик ғоялари минтақада жадидизмнинг юзага келишига хизмат қилди. Айни шу пайтда Бухорода ҳам жадидчилик ҳаракати вужудга келган эди. Бухоролик жадидларнинг ғоя ва дастурларининг моҳияти жиҳатдан туркистонлик жадидлар дастуридан деярли фарқ қилмасди. Бироқ, Бухоронинг аниқ шароитларида жадидлар фаолияти маърифатни ва амир зулмини ислоҳ қилишга қаратилганлиги уларни Бухоро амирига қарши ҳаракат тепасига олиб чиқди.

Бухородаги жадидчилик ҳаракатининг йирик намоёндаларидан бири Файзулла Хўжаев ўзининг “Бухоро инқилобининг тарихига материаллар” асарида ҳаракатнинг Туркистон ўлкасига нисбатан Бухорода бошқа йўл билан ривожланиш шароити хусусида фикр юритади:

“Бухорода ҳаракат бошқа йўл билан борди. Бухоро жадидчилиги деҳқонлар ва майда савдогарларга тушадиган солиқ оғирликларини енгил қилиш ҳам солиқ ишларини умумий тартибга солиш тўғрисида очилган гапдан бошлаб, тадрижий суръатда кўп аъзолар, шўъбалар ва Бухоро халқининг ҳар хил табақалари орасидаги ўзига хайрихоҳ омма билан бирга ҳақиқий бир яширин жамиятга айлана борди” [1].

Бухоролик жадидлар 1910 йилда ўзларининг “Тарбияи афтол” (“Болалар тарбияси”) деб аталган яширин жамиятини туздилар. Абдулвоҳид Бурҳонов (Мунзим), Садриддин Айний, Усмонхўжа Пўлатхўжаев, Мукамил Бурҳонов бу жамиятни ташкил қилишда фаол роль ўйнадилар. Бу жамият бухоролик маърифатпарварлар ва хур фикрли зиёлилар ўртасида илғор демократик ғояларни тарғиб этиб, халқнинг сиёсий онгини уйғотишда катта аҳамият касб этди. Жамият раҳбарларининг саъй-ҳаракатлари туфайли бир гуруҳ бухоролик ёшлар Истанбулга ўқишга юборилди. Бундан сал олдинроқ эса, 1908 йилда Абдурауф Фитрат Эрон орқали Истанбулдаги Воизия мадрасасига таҳсил олишга жўнаб кетган эди. Мунзим ва бошқаларнинг бу йўналишдаги фаолияти туфайли 1912 йилда чет элга 30 га яқин бухоролик ёшлар билим олишга юборилди. Ушбу махфий жамият Бухоро жадидларини илк марта бир ташкилот атрофида уюштирди.

Бухорода жадидчилик Туркистон билан бир вақтда вужудга келган бўлса ҳам, жамият ҳаётидаги оғир муҳит унинг тараққиётини тезлаштирди ва бу ҳаракат 1914 йилдан бошлаб, маданиятдан сиёсатга қараб йўл тутди. Бу ҳолат Бухоро жадидларининг публицистик ва бадий асрларида, хусусан Фитратнинг “Баёноти сайёҳи хинди” (“Хинд сайёҳи қиссаси”) ва “Раҳбари нажот” асарларида яққол кўзга ташланади. Бухородаги жадид мактабларининг сиёсий аҳамияти ҳам катта бўлган. Бу мактаблар ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари ўртасида янгиликни тарғиб қилиш билан бирга ҳукуматга қарши муҳолиф кайфиятнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Ҳақсизлик, зулм ва адолатсизликка қарши бўлган Ф.Хўжаев энг аввало Бухорода эркин фикрлилар тарафдори сифатида илм-маърифатни, халқ ҳокимияти бошқарувининг тарғиб ва ташвиқотчиси сифатида майдонга чиқди. У ўз даврининг илғор фикрли маърифатпарвари Аҳмад Дониш[2] ғояларини давом эттириб, меҳнаткаш халқ оммасига илм-маърифат тарқатиш тарафдори бўлди.

Ф.Хўжаев 1912-1916 йилларда жадид сифатида янги мактаблар очиш, уларни зарур адабиётлар билан таъминлаш ишига муносиб ҳисса қўшган. У Бухорода “Баракат ширкати” хиссадорлик савдо растасини очиш ташаббускори бўлди. Бу ширкат вазифаси янги усулдаги мактабларни қўлланмалар билан таъминлаш билан бирга Бехбудий, Фитрат, Айний, Мунзим асарларини Туркия ва Россияда чоп эттириб, Бухорода тарқатиш бўлди.

Истанбул, Қозон, Оренбург, Уфада янгича-замонавий таҳсил кўрган бухоролик ёшлар 1913 йилдан эътиборан юртларига қайта бошладилар. Бухорода жадид ғояларини тарғиб қилувчи матбуот ишга туширилди. Ўзбек ва тожик тилларида “Бухорои Шариф” ва “Турон” газеталари чиқа бошлади. Туркистондаги жадидчилик ҳаракатининг асосчиси машҳур Маҳмудхўжа Бехбудий “Турон” газетасида шундай ёзади: “Бухоро мактабларининг ислоҳи учун Кавказ, Татаристон ва Истанбулни исломий ўрта мактабларини тамом қилгон бухорий керакдур. Бухоро мадрасасининг ислоҳи ва тараққийси учун Хижоз, Миср мадрасаи динияларинда хатм қилгон кишилар керакдур. Бухорода тижорат, зироат ва саноатни тараққий қилдириш учун Русиянинг ўрта ва олий мактабларинда хатми умумий замония этган муҳандиси муқталар керакдур” [3].

Жадид ташкилотларининг мақсадлари кенгайиб, сиёсий тус олганлигининг сабаби иккита эди: Биринчидан, 1914-1915 йилларда жадидчилик бошидан кечирган инқироз, газеталар ва янги усул мактабларининг беркитилиши, жадидларнинг билимсизлик ва ғафлатга қарши кураш фаолиятини кенгайтиришга ҳокимиятнинг йўл бермаслиги, жамиятда ҳеч қандай ўзгаришлар бўлмаслигини кўрсатди. Иккинчидан, жадидчилик ҳаракатига хорихда ўқиб, чет элдаги миллий тараққийпарвар ҳаракатлар тажрибасини ўрганиб қайтган бухороликлар кучли оқими келиб қўшилди. Улар маданийлаштириш доирасида чекланиб қолиш билан қоникмай, аниқ сиёсий вазифалар кўйишни талаб қилдилар. Солиқларни камайтириш, амалдорлар зулмини чеклаш, деҳқонлар ҳаётини енгиллаштириш шу талаблар жумласидан эди. Жадидлар бир-бирларига зид бўлган икки оқимга ажралдилар: эски жадидлар ва ёш (сўл) жадидлар. Натижада ўзаро келишмовчиликлар мавжуд бўлган бирлик юзага келди. Ф.Хўжаев ана шу сўл ёшлар гуруҳига мансуб бўлиб, кейинчалик ҳам шу позицияда қолди. Бу ҳолни Ф.Хўжаевнинг ўзи “Бухоро инқилобининг тарихига материаллар” асарида қуйидагича кўрсатган эди: “1914-15 йилларда жадидчилик ғалаёнига ўхшаш бир ҳол ўтказди, икки қатлам цензуранинг сиқиши

орқали нашр қилиниб турган газеталар ёпилди ва амир тўраларининг расмий жамиятларга бўлган муаммолари чатоқлашди, шу жумладан, китоб магазини “Маориф”га ҳам ёмон қарашлари ўсди [4].

Хориждан қайтган ёш жадидларнинг янги талабларини Бухоро халқининг турли табақаларидаги жадидчилик тарафдорлари бўлган ёшлар жуда яхши қарши олдилар. Жадидларнинг сафлари биринчи маротаба табақаланиб, эски жадидлар ҳамда сўл жадидларга бўлиндилар. Сўл жадидлар ёшлардан иборат бўлди.

Файзулла Хўжаев ўзининг ўтмишини эслаб бундай деб ёзган эди: “1913 йилдан 1916 йилгача бўлган вақт ичида жадидлар ишида менинг иштирок қилишим, биринчидан, ташвиқот ишлари олиб боришдан; иккинчидан, маблағлар тўплаш ва шахсан моддий ёрдам кўрсатишдан; учинчидан, Фитрат ва Абдувоҳид Бурҳонов орқали китоблар ва бир неча дарсликлар нашр этиришдан иборат бўлди. 1916 йилнинг ярмидан бошлаб мен Карки вилоятида ва Бухоро вилоятининг туманларида (уездларида) тўғарақларни (жадидларнинг махфий тўғарақларини) очишда қатнашдим”[5].

1917 йилда Ёш бухороликлар партиясининг яширин Марказий Қўмитаси тузилади. Мазкур Марказий Қўмигада Файзулла Хўжаев, Садриддин Айний, Абдурауф Фитрат ва бошқалар бор эди. Абдулвоҳид Бурҳонов Марказий Қўмига раиси, Усмонхўжа Пўлатхўжаев котиб, Муса Саиджонов хазиначи бўлган[6]. Файзулла Хўжаев Ёш бухороликлар партиясига аъзо бўлиб кирганлигини қуйидагича эслайди: “Мен 1917 йилда янги ташкил этилган Ёш бухороликлар партиясининг махфий Марказий Қўмитасига қабул қилиндим... Бу ташкилотда ишим кўпайиб кетганлиги сабабли мен ўзимнинг (хўжалик) ишимдан кетдим ва савдо ишларим укамнинг қўлига ўтди, у менинг раҳбарлигимда савдо ишларимни давом эттираверди” [7].

Жадидчилик ҳаракатининг бошқа бир йирик намояндаларидан бири Садриддин Айний мазкур яширин ташкилотнинг фаолияти ва Бухоро ушбу ҳаракатнинг маркази бўлганлиги ҳақида шундай фикр билдирган эди: “...яширин жамият тез-тез йиғилмас эди. Фақат муҳим бирон ҳол юз берган чоғда бир кеча йиғилар ва лозим кўрилган қарорларни қабул қилиб тарқалар эди. Шундай бўлса ҳам, яширин жамият 1917 йил февраль инқилобига доғур Бухоро ёшларга марказлик ва раҳбарлик вазифасини ўтаб турди” [8].

Бухорода 1910-1917 йилларда олиб борилган оғир меҳнат, сабот-матонат ва қатъийлик натижасида жадидлар, Файзулла Хўжаев ибораси билан айтганда, “Миллий инқилобни бошқариш”га қодир бўлган Ёш бухороликлар сиёсий партиясига айланди[9]. Бухородаги жадидлар ҳаракатида муҳим роль ўйнаган Файзулла Хўжаев Ёш бухороликлар партиясининг бўлғуси йўлбошчиси сифатида бу воқеаларнинг марказида турди.

Октябрь тўнтаришидан кейин чор Россияси протекторати ҳисобланган Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги оз муддатда бўлса-да, озод ва қарам бўлмаган давлатга айланди. Большевиклар ушбу хонликларнинг мустақиллигини фақат номигагина тан олдилар. Бирок тез орада уларнинг сохта сиёсати чор Россияси вориси эканлигини намоён қилди.

1917 йилнинг мартада Файзулла Хўжаевнинг Бухоро шаҳридаги ҳовлисида Ёш бухороликлар[10] партиясининг 50 дан ортиқ фаоллари иштирок этган яширин мажлиси ўтказилган. 1917 йил 2 декабрда бўлиб ўтган Бухоро амирлигидаги рус қишлоқлари вакилларининг II вилоят съездида Россия ва Туркистон ҳукуматининг Бухоро ишлари бўйича ҳайъати сайланди. Орадан кўп ўтмай Ёш бухороликлар партияси Файзулла Хўжаев бошчилигидаги делегацияни кескин ва қатъий чора кўриш учун Тошкентга жўнатди. Ф.Хўжаев Тошкентга келди ва давлат идорасини демократлаштириш ва ҳокимиятни Ёш бухороликлар қўлига топшириш тўғрисидаги манифестга амирни қўл қўйишга мажбур этишга ёрдамлашишни сўраб совет Туркистони ҳукуматига мурожаат қилди[11]. Улар Бухорода очик кўзғолон кўтариш учун шароит етилди, бўлажак кўзғолонда камида 30.000 киши иштирок этади, деб Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети Раиси Ф.Колесовни ишонтирдилар[12]. Натижада 1918 йилнинг мартада “Колесов воқеаси” номи билан тарихга кирган шармандали ҳодиса юз берди.

Ёш бухороликларнинг ҳарбий ёрдам сўраб чиққан мурожаатига биноан большевиклар суверен Бухоро амирлигига қарши очик қуроли хужум бошладилар. Туркфронт қўмондони Ф.Колесов билан ёш бухороликлар бошлиқлари мажлис қилиб, амир олдиға қатъий талаблар, яъни ультиматум қўядилар. Амир ёш бухороликлар қўйган талабларга нисбатан рад маъносида мактуб йўллагач, 11 март куни Ф.Колесов ҳарбий отрядлари билан Бухоро қўшинлари ўртасида Кармана беклиги худудида уруш бошланган[13].

Амир зарбага учраганини кўриб, Ёш бухороликлар талабларига рози бўлганлигини билдиради. Бирок, Ёш бухороликлар амирга бутун аскарларини қуролсизлантириш талабини кўяди. Бунга жавобан амир буйруғи билан Чоржўйдан Когонгача бўлган темир йўл бузиб ташланган. Бундан ташқари большевиклар ҳужуми маҳаллий халқнинг ҳам кескин норозилигига сабаб бўлган. Ғазабга келган Бухоронинг кўпчилик аҳолиси ўз юртини жон-жаҳди билан ҳимоя қилиб, большевиклар ҳамласига қарши ялпи курашга отланди. Халқ тарафидан темир йўл станцияларига ўт қўйилиб, телеграф симлари узиб ташланган [14]. Натижада Ф.Колесов ташқи ёрдамдан узилиб, мағлубиятини тан олади ҳамда икки томонлама музокаралар бошланади. 1918 йилнинг 25 март куни Туркистон большевиклари билан Бухоро амирлиги ўртасида Ф.Колесовнинг мағлубиятли “Қизилтепа битими” имзоланган. Бу эса амир ва унинг орқадошларига инқилобий-демократик кучлардан қонли ўч олишлари учун баҳона бўлди. Айниқса, Ёш бухороликлар аёвсиз қирғин қилинди. Файзулла Хўжаевнинг гувоҳлик беришича, инқилобчи кучлар устидан уюштирилган оммавий қирғинбарот давомида 1,5 минг нафардан ортиқ киши ҳалок бўлди.

Ф.Хўжаев Ф.Колесовнинг Амир Олимхон билан мумкин қадар тезроқ сулҳ тузиш сабаблари ҳақида қуйидагича изоҳ беради: “Менинг фикримча, Колесовнинг ҳар қандай бўлса ҳам амир билан сулҳ тузишга ҳаракати, унинг амир билан курашда ҳарбий жихатдан кучсиз бўлганлигидан эмас, балки Бухородан ташқари бўлган ҳодисаларнинг сабаби билан бўлган бўлса керак. Масалан, Туркистонда бошланган тесқари ҳаракатчиларнинг жонланиши, Туркистоннинг қирғизлар районидаги очарчиликлар ва бошқалар – мана бу икки ҳодиса Туркистон шўролар ҳукуматининг ва Колесовнинг ўзининг эътиборини Бухородан бошқа томонга жўнатди”[15]. Шундай қилиб, большевикларнинг Бухоро амирлигини тугатишга қаратилган дастлабки босқинчилик уруши барбод бўлган.

1918 йилнинг ёзида Файзулла Хўжаев Москвага жўнади. У Москвада эканлигида 1918 йил октябридан 1920 йил декабригача Ёш бухороликлар партияси Марказий Комитетининг Москва Комитети раиси бўлиб ишлади. Мазкур комитет Туркистон АССР Марказий ижроия комитетининг РСФСР ҳукуматидаги ваколатхонаси ҳузурида иш кўрарди. Файзулла Хўжаев партия ва ҳукумат раҳбарлари билан яқин алоқада бўлиб, коммунистик тарбия ва инқилобий кураш мактабини ўтади. 1920 йил январида у Тошкентга қайтиб келиб, инқилобчи Ёш бухороликлар партияси Туркистон Марказий Бюросини шакллантирди.

1920 йил 14 июнда инқилобчи Ёш бухороликлар партиясининг анжуманида Файзулла Хўжаев ишлаб чиққан программа (дастур) қабул қилинди. Дастурда шариат–адлия ишларини олиб боришнинг негизи деб эътироф этилган эди. Ёш бухороликларнинг фикрича, “шариат адолатни талқин қилувчи ва камбағалларни ҳимоя этувчидир”[16]. Дастурда амирликни қурол кучи билан ағдариб ташлаш ва Бухорода халқ демократик жумҳуриятини эълон қилиш билан боғлиқ фикрлар илгари сурилган эди.

Файзулла Хўжаев бошчилик қилган Ёш бухоролик инқилобчилар партияси ҳали дунёқарашини унча юқори бўлмаган қуролсиз деҳқон ва косиблар ёрдами билан яхши қуролланган, доимий армияга эга бўлган амирлик ҳокимиятига қарши жанг бошлай олмас эди. Ф.Хўжаев амирлик тизимини ағдаришнинг ўша давр учун бирдан-бир тўғри ва муваффақиятли йўли ўзини жаҳон инқилобининг байроқдори деб эълон қилган Совет Россиясининг сиёсий-ҳарбий ёрдам беришида деб билди [17].

Хуллас, амирлик тузумидан норози бўлган халқнинг кўпчилиги инқилоб даврида бетараф турди, амир зулми жонига теккан бир қисми эса тараққийпарварларни, ёш бухороликларни қўллаб-қувватлади. Файзулла Хўжаев ёш бухороликларнинг лидери бўлиб, унинг саъй-ҳаракати билан ушбу ҳаракат партия даражасига ўсди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар (Қайта нашр). Масъул муҳаррир Д.Алимова. – Тошкент: Фан, 1997. -Б.63-64.
2. Ахмад Дониш – (1827-1897) йилларда яшаган Бухоролик тараққийпарварлардан бири ҳисобланади. У ўзининг “Наводир ул-вакоъ” асарида тараққийпарварлик ғояларини илгари сурган.
3. Умаров Ф. Жадидчилик ҳаракати ва Файзулла Хўжаев // Бухоронома. 2000 йил 12 апрель.
4. Файзулла Хўжаев. Бухоро инқилобининг тарихига материаллар. – Тошкент: Фан, 1997. -Б.79.
5. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. Уч жилдлик. I жилд. –Тошкент:Фан,1976. -Б.12-13.
6. Жадидизм // Ўқитувчи. 1990 йил 19 декабрь.
7. Файзулла Хўжаев. Танланган асарлар. I жилд. –Тошкент:Фан,1976. -Б.13.
8. Садриддин Айний. Бухоро инқилоби тарихи учун материаллар. Асарлар. I жилд. – Т.,1963.-Б.265.
9. Умаров Ф. Жадидчилик ҳаракати ва Файзулла Хўжаев // Бухоронома. 2000 йил 12 апрель.
10. Ёш бухороликлар – Бухоро жадидларининг сўл оқими ҳисобланиб, 1910 йилда ташкил топган партия. Тараққийпарвар зиёлилар, савдогарлар ва шаҳар камбағаллари вакилларида тузилиб, дастлаб мавжуд амирлик